

Единый портал корпоративной информации

Объявления

Asakabank

Объявление

"ASAKABANK" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ИМТИЁЗЛИ ХУҚУҚДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

“Асакабанк” Акциядорлик жамияти

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядорлар!

“Асакабанк” АЖ (кейинги ўринларда - Банк) Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2026 йил 12 январдаги қарорига мувофиқ номинал қиймати 139,01 (бир юз ўттиз тўққиз сўм 01 тийин) сўмлик 8 679 231 710 (саккиз миллиард олти юз етмиш тўққиз миллион икки юз ўттиз бир минг етти юз ўн) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акцияларни чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2026 йил 9 феврал куни РО338-23-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан Банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 35-36-моддаларига асосан Жамият акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2026 йил 12 январ ҳолатига шакллантирилган Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Акциялар **139,01 (бир юз ўттиз тўққиз сўм 01 тийин)** сўм қийматда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзмашаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка тақдим этилиши керак.

Акциялар учун тўловлар нақдсиз шаклда, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 67-уй манзили бўйича жойлашган “Асакабанк” акциядорлик жамияти (қисқа номи – “Асакабанк” АЖ) Бош офисидаги 29802000 7000 00873014 ҳисоб рақамига қабул қилинади, Банк коди: 00873.

Банк акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

A/900 000 000=B

540 000 000*B=C

Шунда:

55 926495724 – Банк устав капиталидаги умумий акциялар сони;

8 679 231 710 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони;

A – акциядорнинг Банк устав капиталидаги акциялари сони;

B – Банк устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони;

C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинadиган акциялар сони.

Қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса, қўпайган томонга, 5 (беш)дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар қўшимча маълумотлар олиш учун Банкка мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: +998 (78) 147 65 65 (1281, 1284)

10.02.2026

Источник: <https://openinfo.uz/announce/20314/>

Дата загрузки с портала: 04.04.2026

Дата подписания: 10.02.2026

**DAVLAT AKSIYADORLIK
TIJORAT BANKI ASAKA AJ
Direktor**



**TULYAGANOV
KUDRATILLA
ASATULLAYEVICH**